

№	Транспорт воситаси тури	Давлат ракам белгиси	Транспорт воситаси русуми	Сугурта мукофоти,сўм
1	енгил	25 733 NAA	NEXIA-3	120 000,00

4.3. Сугурта шартномаси бўйича умумий сугурта суммаси **40 000 000, 00 сўм**.

4.4. Сугурта мукофоти бўйича ҳисоб-китоблар ҳар бир транспорт воситаси учун ЎзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик мажбуриятлари сугуртаси қоидалари асосида амалга оширилади.

4.5. Ушбу шартномага тақдим этилган ариза-анкеталар асосида умумий сугурта мукофот **120 000,00 (Бир юз йиғрма минг)сўм 00 тийин**

4.6. Сугурта мукофотлари бир вақтнинг ўзида нақд пулсиз шаклда тўланади. Сугурталовчининг мажбурияти мазкур шартнома бўйича пул маблағлари сугурталовчининг (вакили) банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг кучга киради.

4.7. Агар мажбурий сугурта шартномаси амалда бўлган даврда сугурталовчи жабрланувчига сугурта товони тўласа, у ҳолда сугурта қилдирувчи сугурталовчидан сугурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафта муддатда тўланган сугурта товони суммасига ва мажбурий сугурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча сугурта мукофотини тўлайди.

5. СУГУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ

5.1 Ушбу мажбурий сугурта шартномаси сугурта мукофоти тўлангандан сўнг кучга киради, шартнома муддати сугурта полисида кўрсатилади.

5.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси сугурта мукофоти тўлангандан сўнг тақдим этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Сугурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Сугурта мукофотини ушбу шартноманинг 4.5. бандига асосан тўлаб бериши.

6.1.2. Ходимларни (хайдовчиларни) ЙТХ содир бўлганда ДИҲХБ ходимларини қутиши ва жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)га мажбурий сугурта полиси нуسخасини тақдим этишлик тўғрисида огоҳлантириши.

6.1.3. Сугурта ходисаси содир бўлганда:

- ЙТХ содир бўлганда кечиктирмасдан узоғи билан 72 соат ичида ёзма равишда сугурта полиси нуسخаси билан сугурталовчинин сугурта ходисаси тўғрисида ЎзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори 6-иловасига мувофиқ хабардор этиш.

6.2. Сугурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

6.2.1. Сугурта қилдирувчи жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини сугурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, сугурта қилдирувчи етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг сугурта товонини олиши мумкин.

6.3. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

6.3.1. Жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ёки сугурта қилдирувчига (агар сугурта товони ўз ҳисобидан амалга оширилган бўлса) шартномада кўрсатилган ҳолларда сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга ошириш;

6.3.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси йукотиб қўйилган тақдирда унинг дубликатларини тақдим этиш. Дубликатлар сугурталовчи томонидан сугурта қилдирувчи мурожаат қилган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

6.4. Сугурталовчининг ҳуқуқлари:

6.4.1. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш сугурта ходисасининг мавжудлигини ва мажбурий сугурта шартномаси бўйича ўрни қоплатиши лозим бўлган зарарларнинг миқдори тўғри аниқлаш имконини бермаса, сугурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) сугурта тўловини ёки унинг бир қисmini тўлашни рад этишга ҳақли.

7. СУГУРТА ТОВОННИНГ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Сугурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин сугурта пулидан ошмаган миқдорда сугурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) тўлаб берилади.

7.2. Агар сугурта ходисаси содир бўлганда сугурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг сугурталовчига билдирилган талаблари суммаси сугурта товони миқдорида ортик бўлса, сугурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

7.3. Агар сугурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини сугурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, сугурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан кейин сугурталовчи сугурта қилдирувчига сугурта тўловини тўлайди.

Ушбу ҳолат бўйича қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- сугурта полиси;

- зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ходисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаётга ёки соғлиқка зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);